

## ХШ. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

2018 йил январь-декабрь ойларида Андижон вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1668,4 минг сўми (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 23,9 % га ўсиши таъминланди.



**Юридик шахсларда ходимлар сони ва иш ҳақи фонди**  
(2018 йил январь-декабрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

	Ходимлар сони, минг киши	Иш ҳақи фонди, млрд.сўм	Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм
<b>Вилоят бўйича-жами</b>	<b>195640</b>	<b>3867,2</b>	<b>1668,4</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Саноат	36337	1187,4	2723,2
Қурилиш	486	12,6	2162,5
Савдо	2 873	72,8	2110,9
Ташиш ва сақлаш	2742	37,5	1139,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	177	1,6	775,3
Ахборот ва алоқа	906	19,5	1792,8
Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик	4446	176,9	3315,6
Таълим	85278	1392,1	1360,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	35214	500,4	1184,1
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	1950	26,3	1122,6
Бошқа фаолият турлари	24999	440,1	1453,6

**Иш ҳақи.** 2018 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда.

**Таълим соҳасида** 85,3 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 43,6 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 1392,1 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фонди улуши 36,0 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1360,4 минг сўмни ташкил этди.



**Саноат** иқтисодий фаолият турида 36,3 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 18,6 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 1187,4 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 30,7 % ни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2723,2 минг сўмни ташкил этди.



**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш** соҳасида 35,2 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 18,0 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 500,4 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 12,9 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1184,1 минг сўмни ташкил этди.



**Ташиш ва сақлаш** иқтисодий фаолият турида 2,7 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,4 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 37,5 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 1,0 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1139,0 минг сўмни ташкил этди.




**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти** иқтисодий фаолият турида 4,4 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,3 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 19,5 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 4,6 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 3315,6 минг сўмни ташкил этди.

**Андижон вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(январь-декабрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик  
субъектларидан ташқари, минг сўм)

	2017 йил	2018 йил	Ўсиш суръати, %
<b>Андижон вилояти</b>	<b>1346,6</b>	<b>1668,4</b>	<b>123,9</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	1584,1	2021,3	127,6
Ҳонобод	1443,2	1895,2	131,3
<i>туманлар:</i>			
Олтинкўл	990,1	1202,8	121,5
Андижон	1139,1	1289,0	113,2
Балиқчи	933,2	1082,8	116,0
Бўз	1039,1	1220,3	117,4
Булокбоши	1084,6	1239,7	114,3
Жалакудук	1080,4	1327,5	122,9
Избоскан	989,5	1230,4	124,3
Улуғнор	1062,2	1170,5	110,2
Қўрғонтепа	1125,2	1288,4	114,5
Асака	1938,6	2644,5	136,4
Марҳамат	1132,7	1246,9	110,1
Шаҳрихон	1070,8	1258,7	117,5
Пахтаобод	1156,1	1232,4	106,6
Хўжаобод	1197,1	1453,1	121,4

**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(2018 йил январь-декабрь; вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Асака туманида 2644,4 минг сўми (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 158,5 %), Андижон шаҳрида 2021,3 минг сўми (121,2 %) ташкил этган бўлса, Балиқчи туманида 1453,1 минг сўми (64,9 %), Улуғнор туманида 1170,5 минг сўми (70,3 %) ташкил этиб, бошқа худудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона таъриф сеткасининг биринчи разряди (2018 йил декабрь ойида 501,9 минг сўми ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

